

БАНКЛАР ТОМОНИДАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Искандаров Мурод Лукманович

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
акциядорлик жамияти Бош офиси, Хатарларни бошқариш департаменти,
Ахборот-аналитик бошқармаси бошлиғи
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси
E-mail: miskandarov@nbu.uz uchonnin1@mail.ru

Аннотация. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Лекин, саноат корхоналарининг тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун банklar етарли даражада ресурсларга эга бўлиши, саноат корхоналари эса, инвестицион кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш имкониятига эга бўлишлари керак. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг саноат корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, инвестицион кредит, захира, фоиз, ресурс, саноат корхонаси, мажбурият, депозит, ликвидлик, тўловга қобиллик.

Аннотация. Инвестиционные кредиты коммерческих банков являются важным источником финансирования затрат на модернизацию, техническое и технологическое перевооружение промышленных предприятий. Однако для увеличения пользования промышленными предприятиями инвестиционных кредитов коммерческих банков, коммерческие банки должны располагать достаточными ресурсами, в свою очередь промышленные предприятия должны иметь возможность своевременно и полностью погашать инвестиционные кредиты. В статье определены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием практики кредитования промышленных предприятий коммерческими банками Республики Узбекистан и разработаны научные предложения по их решению.

Ключевые слова: коммерческий банк, кредит, инвестиционный кредит, резерв, процент, ресурс, промышленное предприятия, обязательство, депозит, ликвидность, платежеспособность.

Abstract. Investment loans commercial banks are an important source of financing the costs of modernization, technical and technological re-equipment of industrial enterprises. However, in order to increase the use of investment loans of commercial banks by industrial enterprises, commercial banks must have sufficient resources and in turn, industrial enterprises must be able to repay investment loans in a timely manner and full. The article identifies urgent problems associated with improving the practice of lending to industrial enterprises by commercial banks of the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals for their solution.

Key words: commercial bank, loan, investment loan, reserve, interest, resource, industrial enterprise, obligation, deposit, liquidity, solvency.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 сонли фармонида асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларини кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли фармонида асосан, 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банклари кредитлари ҳажмининг мўтадил ўсишига эришиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Уэрта де Сото томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижаси кўрсатдики, тижорат банклари инвестицион кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради ва банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши натижасида инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлиши ва берилган кредитларнинг қайтмаслиги ҳолатлари юзага келади [3].

Г.Панованинг фикрига кўра, банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлиликни таъминлаш лозим [4].

Ж.Синкининг хулосасига кўра, кредит олувчи компаниянинг фаолияти ва менеджментининг самарадорлигини тўғри баҳолаш банкларнинг кредит бўлими хизматчиларининг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади [5].

Ж.Синкининг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, республикамиз тижорат банклари корхоналарга кредит беришда уларнинг менежменти самарадорлигини баҳолашмайди [5].

В.Каюков ва А.Каюковларнинг фикрига кўра, саноат корхоналарини банкларнинг кредитлари билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш учун тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, банкларнинг актив ва пасивларининг ҳажми ва муддатига кўра мутаносиблигини таъминлаш лозим [6].

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, кредит линияси доирасида йириклаштирилган объект бўйича қисқа муддатли кредитлашнинг йирик корхоналар учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- фақат юридик шахсларга берилади;
- банкнинг мижозлари бўлиб фақат йирик корхоналар ҳисобланади;
- кредит олувчилар бўлиб доимий равишда қисқа муддатли ресурсларга эҳтиёжи бўлган корхоналар ҳисобланади;
- ушбу кредитни олувчиларнинг асосий ҳисобрақами кредит бераётган банкда бўлади;
- кредит фақат молиявий жиҳатдан ишончли бўлган мижозларга берилади [7].

Ж. Мажидовнинг хулосасига кўра, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди [8].

Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзишда илмий тадқиқотни амалга оширишнинг индукция ва дедукция ҳамда эксперт баҳолаш усулларида, молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Муаммони тўлиқ ўрганиш жараёнида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятига боғлиқ материалларга мурожаат қилинди.

Хусусан, тижорат банклари кредит ресурсларининг таркибига баҳо беришда молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларига баҳо беришда эксперт баҳолаш усулидан фойдаланилди.

Ушбу усуллар мақоланинг таҳлил ва натижалар қисмида қўлланилиб, хулоса ва таклифлар тайёрлашимизга асос бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотда фойдаланилган усуллар натижаси банклар томонидан саноат корхоналарининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Саноат корхоналарини кредитлаш Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банки кредитларининг ҳажми 65,6 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда, унинг 31,8 фоизини иқтисодиётнинг саноат тармоғига мансуб бўлган хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитлар ташкил этди (www.nbu.uz).

Ўз навбатида, ТИФ Миллий банкининг саноат корхоналарини кредитлаш имкониятини кенгайтириш банкнинг ресурс базасига ва саноат корхоналарининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига боғлиқ.

Қўйидаги жадвал маълумотлари орқали ТИФ Миллий банкининг ресурс базаси динамикасига баҳо берамиз.

1-жадвал

ТИФ Миллий банки ресурс базасининг таркиби ва динамикаси [9]¹

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши, %
Муддатли депозитлар, млрд. сўм	3 287	6 515	1 089	33,1
Бошқа банклардан олинган маблағлар, млрд. сўм	37 792	35 307	42 420	112,2
Регулятив капитал, млрд. сўм	5 722	13 141	13 873	242,5
Ресурслар - жами	46 801	54 963	57 382	122,6

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банкининг муддатли депозитлари миқдори 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 66,9 фоизга камайган. Бу эса,

¹ Жадвал муаллиф томонидан www.nbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

Миллий банкнинг саноат корхоналарини кредитлаш имкониятини кенгайтириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, ТИФ Миллий банкининг бошқа банклардан олган кредитлари 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 12,2 фоизга ўсган. Бу эса, мазкур даврда хорижий банклардан олинган кредитлар миқдорининг ошганлиги билан изоҳланади.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банкининг регулятив капитали миқдори 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 22,6 фоизга ошган. Бу эса, банк кредитларининг ресурс таъминотини яхшилаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, регулятив капитал барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида талаб қилиб олинган депозитлар ва муддатли депозитларнинг миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Аммо, ушбу банкда депозит базанинг етарлиги таъминланмаган, яъни талаб қилиб олинган депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 30 фоиздан юқори.

2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банк депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банкларининг саноат корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, банкларда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг мавжудлиги ҳисобланади.

Ўз навбатида, тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлик муаммосининг юзага келишида банкларнинг активларини муддати билан мажбуриятларини муддати ўртасидаги номутаносиблик муҳим роль ўйнади (2-жадвал).


1-жадвал

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»да активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби [10]

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>
<i>Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган активлар, трлн. сўм</i>	13,2	23,7	29,0
<i>Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар, трлн. сўм</i>	16,9	19,0	23,9

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» активлари муддати билан мажбуриятлари ўртасида жиддий мутаносиблик мавжуд бўлган. Банкларнинг саноат корхоналарини кредитлаш имкониятини кенгайтириш бевосита уларга берилган кредитларнинг сифатига боғлиқ.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида саноат корхоналарига берилган кредитлар бўйича яратилган эҳтимолий йўқотишлар захирасининг саноат корхоналарига берилган кредитларга нисбатан даражаси юқори бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 0,1 фоизли пунктга ошган. Мазкур ҳолатлар ТИФ Миллий банкининг саноат корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



1-расм. ТИФ Миллий банки томонидан sanoat korxonalariga berilgan kreditlar b'yyicha e'xtimolii yu'qotishlar zahirasining darajasi, foizda [11]²

Таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларида узоқ муддатли кредитларнинг ресурс таъминоти масаласи ҳал қилинмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганларидек, «Банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган» [12].

Таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси Ўзбекистон тижорат банкларининг sanoat korxonalarining кредитлаш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978 сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, юридик шахсларнинг кредитлари б'yyicha 7,9 трлн сўм миқдоридан қарздорлик, жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар б'yyicha 4,7 трлн сўм миқдоридан қарздорлик 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар кечиктирилди, коронавирусга қарши курашиш б'yyicha кўрилатган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари б'yyicha қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 трлн сўмни ташкил этди [13].

Хулоса ва таклифлар

Sanoat korxonalarining тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун банклар етарли даражада ресурсларга эга бўлиши, sanoat korxonalari эса, инвестицион кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш имкониятига эга бўлишлари керак.

Истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни кенгайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

² Расм муаллиф томонидан www.nbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

ТИФ Миллий банкининг муддатли депозитлари миқдорини 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 66,9 фоизга камайганлиги унинг sanoat корхоналарини кредитлаш имкониятини кенгайтириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банкининг бошқа банклардан олган кредитлари миқдорини 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 12,2 фоизга ўсганлиги мазкур даврда хорижий банклардан олинган кредитлар миқдорининг ошганлиги билан изоҳланади.

2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида депозит базанинг етарлиги таъминланмаган, яъни талаб қилиб олинадиган депозитларнинг жами депозитлардаги улуши 30 фоиздан юқори.

2018-2020 йилларда АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» активлари муддати билан мажбуриятлари ўртасида жиддий мутаносиблик мавжуд бўлган.

2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида sanoat корхоналарига берилган кредитлар бўйича яратилган эҳтимолий йўқотишлар захирасининг sanoat корхоналарига берилган кредитларга нисбатан даражаси юқори бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг sanoat корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Sanoat корхоналарига бериладиган кредитларнинг ресурс таъминотини яхшилаш мақсадида, биринчидан, банкларнинг қимматли қоғозларининг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш орқали ушбу қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг ресурслар такрибидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш лозим; иккинчидан, соф фоизли спред кўрсаткичининг барқарор даражасини таъминлаш орқали муддатли депозитларга тўланадиган фоизларнинг даражасини ошириш имкониятини сақлаб қолиш керак; учинчидан, банклараро кредитларнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш лозим (улар қиммат ресурс бўлганлиги учун).

2. Тижорат банклари томонидан sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг сифатини ошириш йўли билан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражасини пасайтириш мақсадида, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибини стандарт ва субстандарт кредитларнинг салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобига яхшилаш керак; иккинчидан, sanoat корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолаш тизимини, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилаётган молиявий коэффициентларни ва пул оқимини баҳолаш усулларини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш лозим; учинчидан, sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти таркибида тўловга қобиллиги юқори бўлган суғурта компанияларининг суғурта полисларининг салмоғини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – Б. 32.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

3. Уэрто де Сото Хесус Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008 г. – 666 с.

4. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС». 1997 г. – С. 194.

5. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер. 2017г. – С.547.

6. Каюков В.В., Каюков А.В. Совершенствование механизма обеспечения промышленных предприятий кредитными ресурсами//Труды Вольного экономического общества России. – Москва. – Том №86., 2007г. – С. 135-145.

7. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. Банковское дело. Под ред. Проф. О. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016г. – С. 430.

8. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент. 2020й – Б. 22.

9. Йиллик ҳисоботлар. www.nbu.uz (ТИФ Миллий банки).

10. Йиллик ҳисоботлар. www.sqb.uz (АТБ Узсаноатқурилишбанк).

11. 0204IS-шакл. nbu.uz (ТИФ Миллий банки).

12. Мирзиёев Ш.М. Банklar энди «ўз аравасини ўзи тортиши керак». <https://sputniknews-uz.com/economy/20191026/2694075>, 2019 й.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978 сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон, 15.07.2020 й., 06/20/6027/1071-сон.